

## АЛИШЕР НАВОЙ ВА ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ

Сайдов Мурод

фалсафа фанлари номзоди, давлат педагогика университети доценти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолда Навоий мероси қозоқ ижодкорлари томонидан ўрганилганлиги ва ундан ижодий фойдаланилган ҳолда ижод намуналар яратилиши таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Навоий, адабиёт, адиб, қозоқ адабиёти, поэтик маҳорат, сюжет, таълим.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется, что наследие Навои изучалось казахскими художниками и с его использованием создавались творческие образцы.

**Ключевые слова:** Навои, литература, писатель, казахская литература, поэтическое мастерство, сюжет, образование.

### ABSTRACT

In this article, it is analyzed that the heritage of Navoi was studied by Kazakh artists and creative examples were created using it.

**Keywords:** Navoi, literature, writer, Kazakh literature, poetic skill, plot, education.

Бир дарёдан сув ичиб, далага бирга дон сочган, бир яйловда мол бокиб, тўйларда улоқ тортишган ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар узоқ тарихга эга. Бу иккала халқнинг уйи бошқа – бошқа бўлса ҳам маҳалласи туташ, дили бир, мол – жонлари аралаш. Шунинг учун уларнинг урф – одатлари, тили, маданияти, тақдирни кўп жиҳатдан бир – бирига ўхшаш ва ҳамоҳангдир.

Маълумки, ўзбек ва қозоқ халқлари бир неча асрлар давомида чет эл бос - қинчиларига, чоризм зулмига, бой – феодалларнинг ҳукумронлигига қарши биргалиқда курашиб, бир – бирларига ҳамдард бўлиб келганлар. Шунинг учун ҳам ажойиб шоиримиз Ҳамид Олимжон “Ўзбек ва қозоқ халқлари бир – бирига жуда яқин бўлган тарихий шароитда яшаб келганлар. Тарих бу халқларнинг аралаш ҳолда ҳаёт кечирган замонларини ҳам билади. Бу халқларнинг турмуши, урф – одатларида ҳам ўхшашлик жуда кўп... Хонлар, беклар, феодаллар ва рўхонийларнинг зулми остида бу икки халқ ўз озодликлари учун бирга курашиб

келганлар”[1,330] – деса қозоқ адабиётининг атоқли вакилларидан бири, Қозогистон Фанлар Академиясининг академиги Ғабит Мусрепов Ота – боболаримиз “ўзбек ўз оғам” деб бежиз айтмаганлар. Бу, асрлардан бери давом этиб келаётган, суяқ – суюгимизга сингиб кетган дўстлик муносабатимизнинг ёрқин гувоҳидир – деган эди[2.1962й. 15май].

Ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги адабий – маданий алоқаларининг тарихи узоқ замонларга бориб тақалади. Чунки икки халқ оғзаки ижодиётига назар ташлар эканмиз, унда бир – бирига ҳамоҳанг эртак ва афсоналар, эпик достон ва мақолларни кўплаб учратиш мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярмида қозоқ адабиётининг Ўрта Осиё, татар ва озорбайжон халқлари адабиёти билан алоқаси кенг ривожланди. Бу даврда “Шохнома”, “Лайли ва Мажнун”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Фарход ва Ширин”, “Садди Искандарий” каби ажойиб асарлар қозоқ оқинлари томонидан алоҳида завқ билан куйланиб, қозоқ халқи ўртасида кенг ёйилади. Қозоқ оқинлари бу асарларни алоҳида меҳр кўйиб куйлаш билан бирга Фрдавсий, Низомий, Навоий асарлари сюjetидан фойдаланиб, уларга назира боғлаганлар. Баъзи оқинлар бу асрларнинг айнан ўзини куйласалар, баъзилари уларни қозоқ турмуш - тарзига мослаштириб куйлаганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, форс – тожик ва ўзбек шоирлари, жумладан Алишер Навий асарлари Сирдарё бўйларида, Жанубий Қозогистон вилоятларида, Еттисув ўлкасида яшаган қозоқлар ўртасида кенг шухрат қозонган дир. Шунинг учун ҳам “Шохнома”, “Лайли ва Мажнун”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Фарход ва Ширин”, “Садди Искандарий” каби дурдоналар Бармоқ Усмонтой, Мақташ, Қўжантой, Балқи, Бозор, Турмаганбет, Шаоди Жангиров, Ўраз мулла, Нуржон, Юсупхўжа, Майлихўжа, Оқмулла, Жамбул каби йирик оқин – жиров лар томонидан куйланиб, қозоқ халқини ҳам барҳаманд этган. Мазкур асарлар қозоқ оқинлари томонидан қозоқ турмушига мослаштириб, қайта ишланган. Бу ҳол Шаоди Жангиров, Майлихўжа Мадали мулла, Муса, Абубакир, Оқмулла, Нуржон, Юсуф каби оқинлар ижодида яққол кўринади. Уларнинг кўпчили ги Туркистон, Оқмачит, Авлиёта, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари да ўқиб, таълим – тарбия олганлар.

Айниқса, Шаоди Жангиров (Шаодий Тўра, 1863 – 1931) араб, форс – тожик, туркий халқлар адабиёти билан яхши таниш бўлган шоирлардандир. У Шарқ шоирларининг, шу жумладан Алишер Навоий асарларининг сюjetидан фойдаланиб “Қирқ вазир қиссаси”(1911), “Хотамтойнинг ҳикояси”(1914), “Нозим ва Шарип”, “Ҳикоят Халифа Ҳорун Рашид”(1917), “Искандар Зулқарнайин” каби бир қанча асарлар яратган. Уларда қазоқ халқининг орзу – умидлари, баҳтли келажиги тараннум этилади.

Қозоқ оқин – жировлари қўлларига дўмбира олиб, бепаён қозоқ чўлларида яшовчи ҳалқ орасида “Шоҳнома”, “Лайли ва Мажнун”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Искандар”, “Фарход ва Ширин” каби достонларни куйлаш билан бир қаторда, буюк шоирларнинг номларини алоҳида хурмат билан тилга олиб, улар талан тига таъзим этганлар. Шунинг учун ҳам Майлихўжа ўзининг “Тўлғов” шеърида:

Ўзбекдан ўтган Навоий,

Тилнинг гавхар гули эди.

Форсдан ўтган Фирдавсий,

Замонида дур эди, деб Навоий билан Фирдавсийнинг поэтик маҳоратларига юқори баҳо беради, уларга таъзим қиласи. Шоир ўзининг бу фикрини “Термалар” номли асарида ҳам такрорлаб, иккала шоирнинг умри боқийлигини алоҳида меҳр билан қайд этади.

Ҳақиқатан ҳам қозоқ халқиниг улуғ маърифатпарварлари Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Жомий, Низомий, Умар Хайём, Ҳофиз, Навоий, Лутфий каби буюк шоирлар асарларидан илҳомланиб, уларнинг ажойиб меросига хурмат билан муносабатда бўлганлар. Масалан қозоқ халқининг донишманд олимни ва мутафаккири, йирик шарқшунос ва фольклоршунос, этнограф ва оташин публицист, тарихчи Чўқон Валихонов, XIX аср қозоқ адабиётининг тараққий этиши га баракали ҳисса кўшган истеъоддли шоир ва таржимон, қозоқ мактаблари учун биринчи бўлиб дарсликлар ёзган педагог Ибрай Олтинсарин ва улуғ маърифатпарвар, шоир, қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси Абай Қўнанбоев Ўрта Осиё халқларининг энг яхши асарларини қозок халқи орасига етказиш ишига катта ҳисса кўшганлар.

Чўқон Валихонов Алишер Навоий асарларини қунт билан севиб ўқиб, унинг ижодига алоҳида хурмат билан қараган ва юксак баҳо берган. Бу ҳақда академик ёзувчи Собит Муқонов шундай дейди “Ўзбек халқининг улуғ классиги Алишер Навоийни Европа ва Осиё олимлари ичидаги биринчи бўлиб Чўқон Валихонов бундан 100 йил аввал фахр билан тилга олади. У ислом хурофтари билан чўлғаб ташланган ўлкада Алишер Навий асарлари “Зулмат ичра нурдир” деб таъкидлайди [4, 1960 й 06.09].

Араб, ҳинд ва Ўрта Осиё халқларининг нодир асарларини қозоқ халқига танитиришда Чўқон Валихонов билан бирга буюк шоир Абай Қўнанбоев ҳам самарали меҳнат қиласи.

Абай Семипалатинск шаҳридаги мадрасада ўқиб юрган чоғидаёқ Шарқ шоирларининг, шу жумладан Алишер Навоий асарларини қунт билан ўрганди, араб, эрон, эски ўзбек тилида ёзилган эртак ва достонларни ўрганди. У Фирдавсий, Низомий, Физулий, Навоий каби сўз санъаткорларни 14 ёшидаёқ ўзига устоз деб билади. Шунинг учун ҳам Абай 1859 йилда ёзган шеърида :

Физулий, Шамсий Сайқалий,  
Навоий, Саъдий, Фирдавсий,  
Хўжа Ҳофиз – бу ҳаммаси,  
Мадад бер, ё шуоро Фариёд – деб уларни ўзига устоз деб билган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган мисралар шунчаки ҳавас, ёшлиқ туйғулари билан айтилган гаплар эмас, балки улуғ демократ кассикларига нисбатан эътиқодининг ифодасидир. Шунинг учун ҳам машҳур ёзуви ва олим Мухтар Аvezov “XIX асрдаги қозоқ адабиётининг Абай, Шангерей, Шаоди, Шортанбай, Ақан каби йирик шоирлари ижодига назар солсақ, ҳаммасида ҳам Алишер ғазалларининг, достонларининг таъсирини кўрамиз”[5,16]. “...унга (Абайга –М.Сайдов) тиллари тушунарли бўлганлигидан Навоий, Фузулий, асарлари кўп таъсир этган. Айниқса, Абай Алишер Навоийни “энг яқин устоз” деб билади ва унинг асарларидан ўrnak олади”[6,76] – деган эди . Дарҳақиқат, Алишер Навоий асарлари билан Абай асарлари таққосланса, улар ижодидаги яқинлик ва Абайнинг Навоий асарларига ижодий ёндошганлиги яққол сезиш мумкин.

Маълумки, Абайнинг “Юзи равшан”, “Хор бўлди жоним”, “Кўзимнинг қароси” ва “Ўлан – сўзнинг подшоси” каби шеърларида буюк шоир Алишер Навоий таъсирини кўриш қийин эмас. Шоирнинг бу шеърлари Алишер Навоийнинг “Чор девон”идаги ғазалларига ўхшаш ва мос келади. Абай ҳам Навоий каби ўз асарларида одамийликни, адолатни, яхшиликни алоҳида мароқ билан куйлаб, ёмонлик, зулум, зўравонликка нафрат билан қарайди, мухаббат, севгини ардоқлайди.

Шунингдек: Абай “Искандар”, “Маъсуд”, “Азим ҳикояси” каби бадиий бар камол асарларни яратища ҳам Шарқ шоирлари, шу жумладан Алишер Навоий достонларига ижодий ёндошганлиги сезилади. Аммо “Искандар” достони ни яратища Абайнинг тарихий ва афсонавий Искандарга бошқачароқ ёндош ганини кўрамиз. Бу асар кўпкина Шарқ шорилари куйлаган “Искандарнинг ўзигина эмас, балки оригинал ижод маҳсулидир. Абай ўз достонида Искандарни эл – юртни талавчи, шафқатсиз босқинчи сифатида гавдалантиради, яъни Алишер Навоий яратган Искандар билан Абай яратган Искандар образлари бир – биридан тубдан фарқ қиласи. Лекин шундай бўлса ҳам иккала достон нинг ғоявий мотивлари ўртасида анчагина ўхшашлик мавжуд. Абай ҳам “Искандар” достонида Алишер Навоий каби одамийлик, адолат, яхшиликни илхом билан куйлаб, ёмонлик, шафқатсизлик, адолатсизлик ва зулумни нафрат билан қоралайди.

Маълумки, Алишер Навоий ўз достонларида фалсафий, ахлоқий, таълим – тарбия масалаларига катта ахамият берган. Арасту (Арестотель), Афлотун

(Плотон) каби улуғ мутафаккирларнинг образлари ёрқин гавдалантирилган. Абай достонида ҳам Арестотель образи усталик билан тараннум этилиб , у золим шоҳ Искандарнингbosқинчилик ҳаракатларига нафрат билан қарайди, унга эзгу маслаҳатлар беради.

Шунингдек, Мухтор Авезов берган маълумотига қўра, Абай ўғли Ақлбойга Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайд” достонинг сюжети асосида “Жарроқ” номли достон яратишни топширганлигининг ўзи Абайнинг Алишер Навоий асарларини қанчалик севиши уни ўз халқи онгига кенг ёйишга интилганини кўрамиз.

Айниқса, Абайнинг ўзбеклар ҳақида: “Ўзбеклар экмаган экин, улар олмаган ҳосил, савдогарлари бормаган ер, хуллас, уларнинг қўлидан келмаган иш йўқ. ... Зийраклик, моҳирлик, эпчиллик, уддабуронлик ҳам шуларда” [7,178] - деб юксак баҳо бериши ҳам бежиз эмас.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган қозоқ шоири ва компазитори Ақон Сериннинг ҳам Алишер Навоий асарларини алоҳида мароқ билан ўқиб, ўз асарларида унинг қаҳрамонлари номларини қайта – қайта тилга олиб, бир қанча ажойиб лирик шеърлар яратганлигини қайд этиш ўринлидир. Шоирнинг “Гўзал қизга”, “Таърифинг”, “Жамолга”, “Гавҳар якут”, “Оқ кўйлак”, “Ошиқ ёрга” каби ишқ - муҳаббат ҳақидаги шеърлари Алишер Навоийнинг ишқ – муҳаббат ҳақидаги шеърлари билан ҳамохангдир.

Шунингдек XX асрнинг бошларида яшаб ижод этган Султанмуҳаммад Турайғировнинг “Адашган ҳаёт” поэмаси Алишер Навоийнинг “Хазойин – ул маоний” (“Маънолар хазинаси”) асарига ўхшаб кетадиган томонлари жуда кўп. Масалан, Алишер Навоий ўз умрини йилнинг тўрт фаслига қиёслаб, ёшлиқ, йигитлик даври, ўрта ёшлиқ, кексалик каби даврларга бўлиб тасвир ласа, Султонмаҳмуд Тўрайғиров ҳам “Адашган ҳаёт” поэмасида ўз умрини “Мен бола”, “Мен йигит”, “Мен тўхтадим”, (“Ўрта ёшлиқ”), “Мен кекса” каби даврларга бўлиб тараннум этади. Иккала асарда яна бир ўхшаш жихат, “Хазойин – ул – моний”нинг бош қаҳрамони сифатида Алишер гавдаланса, “Адашган ҳаёт” поэмасининг бош қаҳрамони шоирнинг ўзи, яъни Султон маҳмуд Турайғиров тасвиранади.

Демак, Султонмаҳмуд Турайғаров ҳам буюк гуманист Алишер Навоий ижоди билан яқиндан таниш бўлган ва унинг ажойиб дурдоналаридан илҳом ланган.

Шунинг учун ҳам Мухтор Авезов “...Фирдавсий, Навоийлар ҳам қозоқлар учун ўз классиклари бўлиб ҳисобланади “ [8,257]- деганида мутлақо ҳақдир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ: (REFERENCES)**

- 1.Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. 3-том, Ўзбекистон Давлат бадиий нашриёти. Тошкент,1960. 330-б.
- 2.Ғабит Мусрепов. Қўш юлдуз. “Ўзбекистон мданияти”,1962 й. 15 май.
- 3.Собит Муқонов. “Социалистик Қозоқистон” 1960 й. 6 сентябрь.
4. Алишер Науайи. Тандемаль шығармалары,Алматы . 1948, 16 бет
- 5.Мухтар Аувезов .Эр жылдар ойлар. Қазменбас. Алматы, 1959 76 бет
6. Мухтар Аувэзов. Мыслиразны лет Алма – Ата1959. С.178.
- 7.Абай Қўнанбаев. Шығармалары ёки томдық толық жиноғы, 2-том ҚМКЭБ,, Алматы, 1957,158 б
8. Мухтар Аувезов. Уақыт жэне эдебиет, ҚМКЭБ, Алматы, 1962 257-бет